*Олий Мажлис сессияси олдидан*

# Ҳар бир сўз устида баҳс-мунозара қилинаяпти

**Мухбиримиз Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов билан суҳбатда қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти билан қизикди.**

— Тўғри, бизнинг қўмита бу галги сессияга алоҳида масала ёки лойиҳа киритаётгани йўқ, — дейди қўмита раиси. — Лекин, бу қўмита сессия ишига аралашмас экан-да, деган маънони англатмайди. Чунки Олий Мажлисда, жумладан бизнинг қўмитада бир қанча ижодкорлар, сўз усталари бор. Айни пайтда Олий Мажлиснинг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси билан биргаликда қонун лойиҳасидаги ҳар бир сўз, уни ўз ўрнида қўллаш устида соатлаб тортишувлар, бахс-мунозаралар бўлаяпти. Бу, кўзга унчалик ташланмаса-да, лекин катта ва ўзига хос жараён. Бизнинг қўмита ҳам лойиҳаларни такомилга етиш ишига ўзининг ҳиссасини қўшиб келаяпти, биргаликда фаолият кўрсатаяпти. Айни пайтда қўмита режасига мувофиқ бундан кейинги сессиялар муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган бир талай янги қонун лойиҳалари устида ҳам иш олиб бораяпмиз.

Иккинчи йўналишдаги фаолиятимиз амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганишга йўналтирилган. Хабарингиз бор, қўмитамиз сессия оралиғида «Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг Наманган вилоятидаги ижросини ўрганган эди. Унинг натижалари юзасидан қўмитада барча марказий нашрларнинг вакиллари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлди. Наманганда эса Андижон ва Фарғона вилоятлари миқёсида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Наманганда, тан олиш керак, яхши тажриба шаклланган. Энг муҳими, муассислар ўз нашрини дарров «унутиб» қўймайди. Аксинча унга бошқош бўлади. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Лекин малакали журналистларининг етишмаслиги, таҳлилий мақолаларнинг нисбатан кам учраши ҳам сир эмас. Шунга қарамасдан қўмитамиз Наманган тажрибасини мамлакат миқёсида ёйиш мақсадида бир қанча тавсиялар ишлаб чиқди. Ва, бу ҳақда қарор қабул қилиб, жойларга юборилишини таъминлади.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**ёзиб олди.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 1 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 178,50 |
| 1 Австрия шиллинги | 22,88 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 502,65 |
| 10 Бельгия франки | 78,04 |
| 1 Голландия гульдени | 142,85 |
| 10 Греция драхмаси | 9,24 |
| 1 Дания кронаси | 42,20 |
| 1 БАА дирхами | 94,95 |
| 1 АҚШ доллари | 348,70 |
| 1 Миср фунти | 89,69 |
| 10 Испания песети | 18,92 |
| 100 Италия лираси | 16,26 |
| 1 Канада доллари | 226,03 |
| 1 Хитой юани | 42,13 |
| 10 Люксембург франки | 78,04 |
| 1 Малайзия ринггити | 91,77 |
| 1 Германия маркаси | 160,96 |
| 1 Польша злотийси | 87,88 |
| 1 СДР | 443,73 |
| 1000 Туркия лираси | 0,30 |
| 1 Финляндия маркаси | 52,95 |
| 1 Франция франки | 47,99 |
| 1 Швейцария франки | 204,83 |
| 1 ЕВРО | 314,81 |
| 10 Жанубий Корея вони | 2,63 |
| 10 Япония иенаси | 28,16 |
| 1 Россия рубли | 12,07 |
| 1 Украина гривнаси | 64,38 |

*(Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ИЛМ, ЗАКОВАТ АЛАНГАСИ ЁШЛАР ҚАЛБИДА ҲАМИША ЁНИБ ТУРАЖАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тарихга назар солайлик, улуғ аллома Абу Райҳон Беруний борлиқни, моддаларнинг таркиб ва турларини, Ибн Сино тиббиёт оламини, дорилар синтези, Ал-Хоразмий алгебра фани асосчиси бўлса, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек эса юлдузлар оламининг аниқ ўлчовлари билан шуғулланган.

Аҳмад Фарғонийнинг Астрономия фани ривожига қўшган ҳиссаси шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи ер куррасидагина эмас, самода ҳам абадий шуҳрат топди. Шу боис ойдаги кратерларнинг бирига унинг номи берилган .

Паркентдаги “Физика - Қуёш” қурилмасидаги геодезик воситалар ҳам аниқ ўлчовлар билан таъминланганлиги, аждодларга хос бўлган илмий салоҳиятнинг давомийлигидан дарак беради. 1984 йилдан буён ўтган 17 йил мобайнида бу воситалар бир миллиметр ҳам асосий ҳолатидан силжимаган. Демак, олимларимиз ўша пайтдаёқ заминнинг сейсмик ҳолатини, асбоб ускуна ва жиҳозлардан фойдаланишнинг ҳар бир жиҳатини ҳисобга олган ҳолда бу иншоотни бунёд этишган. Мана шу қурилманинг аниқ ишлаши билан боғлиқ мураккаб илмий асос бўйича ўша пайтдаёқ икки ўзбек олими фан доктори диссертациясини ҳимоя қилган эди.

Шу маънода унинг бунёд этилишига ҳисса қўшган замондошларимиз мардлиги, жасорати тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз. Бу иншоотнинг бунёд этилишида алоҳида фидоийлик кўрсатган инсонлардан бири академик Содиқ Азимов бўлса, уни Ўзбекистон заминида қурилишини дадил туриб ҳимоя қила олган инсон академик Ислом Каримов эди.

Қурилиш бошланиши арафасида олимларимиз бирданига кескин қаршиликка дуч келадилар. “Марказ”дан келган бир гуруҳ олимлар турли баҳона ва хулосалар билан бу объектни Ўзбекистонда қурмаслик йўлларини ахтара бошлайдилар. Чунки ўша пайтда улар “бундай юксак объектнинг Ўзбекистонда қурилиши Ўзбекистон қудратини ошириш билан бирга, бу ердаги интеллектуал муҳитни яхшилаб, фанни янада юксалтириб юборади” деб чўчиганди. Тошкентга келган комиссия гуруҳи Ўзбекистон Фанлар академиясидаги йиғилишда бундай объектни бу ерда қуришдан мақсад йўқ, бу кутилган натижани бермайди, деган хулосани илгари суришади.



Комиссиянинг қурилишни тўхтатиш ҳақида хулосаси муҳокама қилинаётган бир ҳолатда илм-фан тараққиёти билан боғлиқ бу иншоотнинг қурилиши келажакда ўзбек олимлари учун, халқимиз салоҳияти тимсоли сифатида қанчалар қимматга эга эканлигини яхши англаган ўша пайтдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Режа қўмитаси Фан ва техника бошқармаси бошлиғи Ислом Каримов бу қурилишни ўзбек заминида давом эттириш чорасини ахтариб топади ва комиссия олдига вазминлик билан шундай қатъий талабни қўяди :

“-Бу иншоотни Ўзбекистонда қурилиши ҳақида Марказий Комитет ва Министрлар Советининг махсус қарори қабул қилинган. Агар сизлар бу қарор нотўғри қабул қилинган, деган хулосага келган бўлсаларингиз, шундай деб ёзиб беринглар”.

Ҳамма жим бўлиб қолади...

Шу билан иншоотнинг Ўзбекистон диёрида барпо этилишига асос солинади.

“Физика-Қуёш” илмий марказини бунёд этиш асосан юртимиз олимлари, мутахассисларининг кучи, салоҳияти билан амалга оширилди. Бу ишларни бажариш учун Ўзбекистондаги 40 га яқин завод ва ташкилотлар мутахассислари меҳнат қилди, барча лойиҳалаш илмий-тадқиқот муассасалари бу юксак даражадаги ишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Биз биргина “Баркамол авлод” спорт ўйинлари машъаласини ёқиш билан боғлиқ янги маросимни бежиз бунчалар чуқур илдизлар, тарихий ҳақиқатлар билан боғлиқ ҳолда талқин қилишга интилмаяпмиз.

Ватанимизнинг орзу-умиди, келажаги бўлган ёшлар ҳамжиҳатлигининг, баркамоллигининг рамзи бўлган анжуман оловини бу иншоотда ёқилишининг сабаби бир қадар ойдинлашди, деб ўйлаймиз. Демак, мусобақа машъаласининг бу иншоотда қуёш нурларидан аланга олдирилиши ва уни шаҳар ва қишлоқлардан, кўча ва хиёбонлардан қўлма-қўл, баланд кўтариб олиб ўтилишидан мақсад, миллат қонидаги барҳаёт маърифатни, ақл - заковат, салоҳият оловини ёшлар қалбида аланга олдиришдир.

Бу машъала ана шу моҳияти ва рамзлари билан қадрлидир.

Жиззахда бўлиб ўтадиган “Баркамол авлод” спорт мусобақалари давомида бу аланга бутун мамлакатимиз фарзандларини Она - Ватанга содиқ ёшлар бўлишга, билими, салоҳияти, касб - кори билан уни юксалтириш йўлида ҳамжихатлик ила хизмат қилишга даъват этиб туради.

Машъала билан ёшлар қалби, онги шуурига буюк аждодларимизга хос бўлган меҳр, яратиш завқи, шижоати кўчади.

Бу - ёшларимизни буюк аждодларимизга хос равишда дадил қадам ташлашга ундайдиган машъаладир.

**Минҳожиддин МИРЗО.**

# Депутат мулоқоти

**Унда, асосан, сессия материалларига эътибор қаратилди**

**Урганч давлат университети ректори, Олий Мажлис депутати Азимбой Садуллаев сайловчилар билан мулоқот ўтказишни канда қилмайди. Сайловчилар ҳам бу ҳақда эшитишдими, унда қатнашишга ҳаракат қилишади. Айниқса, ёшлар.**

Яқинда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари студентлари ва ўқувчилари билан бўлган суҳбат чоғида бир нарсадан жуда мамнун бўлдик. Ёшларнинг жамиятимизда, кундалик ҳаётимизда юз бераётган воқеаларга, янгиланишларга қизиқишлари катта. Улар суҳбатни эътибор билан тинглаб, қиссадан ҳисса чиқара оладилар. Қолаверса, кўнгилларида туғилган саволни очиқ айтиб, билмаганларни аниқлаб олишга интиладилар.

Депутат ёшларнинг сессия кун тартибига киритилган «Прокуратура тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги ва «Лицензияланишни лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари юзасидан берган бир қатор саволларига аниқ мисоллар билан жавоб берди. Муҳокамага қўйилган қонунлар лойиҳалари тасдиқланиб, кучга киргач, Ватанимиз, халқимиз манфаатларига хизмат қилиши муфассал тушунтирилди.

Депутат «Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги лойиҳага кенгроқ тўхталди. Чунки бугунги талаба ва ўқувчи эртанги кунги ишбилармон ёки раҳбардир. Уларнинг кўплари лицензия олиб мустақил фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу сабабли пухта маълумот ва билимга эга бўлишлари керак. «Мана, сиз, — деди у мазкур қонун лойиҳаси ҳақида савол берган йигитга, — ижодкорликка қизиқасиз. Хусусий телевидение ёки тиббий хизмат муассасаси очмоқчисиз. Марҳамат, ўз билим ва иқтидорингизни ишга солинг. Бунинг учун лецензия олсангиз, бўлгани.

У ёшлар билан учрашар экан, албатта, ватанпарварлик туйғуси ҳақида алоҳида тўхталади. Чунки айнан шу туйғу камол топаётган ёшлар қалбига эзгу мақсад ва ниятлар очади, ҳаётларига мазмун ва моҳият бағишлайди.

Депутат «Мудофаа ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳақида гапирганда машҳур ҳофизнинг «Ўзга элнинг боғи билан боғчаси ўз юртимнинг янтоғича кўринмас», деб куйланадиган қўшиғини эслатди. Буни чуқур ҳис қилиш ва англаш ватан ҳимоячиси бўлишга даъват этади, деди у ёшларга қарата.

Депутатнинг сайловчилар билан мулоқоти икки соат давом этди. Иштирокчилар Азимбой Саъдуллаевдан Олий Мажлис фаолияти, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ҳақида янги маълумотлар олдилар, бу борадаги тасаввурлари янада бойиди.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон — ойнаижаҳонда ва россияликлар қалбида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кузатувчилар, экспертлар ва хорижий дипломатлар сўнгги пайтларда бу каби фавқулодда юқори даражали давлат ташрифи амалга оширилганлигини эслай олишмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, қатор учрашув ва тадбирларга бой бўладиган ушбу ташриф чоғида, қуйидаги иккита кўргазманинг ҳам очилиши режалаштирилган: булар — Россия рассомлари марказий уйида «Янги Ўзбекистон санъати» кўргазмаси ва Москва давлат университетида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган фото кўргазмадир. Тасвирий санъат усталари ҳамда етакчи фоторассомларимиз асарлари мустақилликнинг тараққиёт йилларида мамлакатимиз қўлга киритган ютуқлар ҳақида ёркин тасаввур уйғотади.

Москвада нашр этилган профессор Л.Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» китобининг тақдимоти ҳам муваффақиятли ўтди. Ушбу китоб дунёда «тараққиётнинг ўзбек модели» номини олган мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга россияликларнинг янгидан назар ташлашларига имконият туғдирди. Китоб дўконларидаги талаб ва матбуотда эълон қилинган кўп сонли тақризлар мазкур китобнинг ўз ўқувчиларини топганлигини исботлайди.

Россия газеталари, етакчи умумфедерал телеканалларида берилаётган ахборот ва ижтимоий-сиёсий дастурлар ҳамда бадиий, ҳужжатли фильмларда Ўзбекистон мавзуси баралла янграмоқда. Буларнинг барчаси икки давлат йўлбошчиларининг Москва музокаралари учун яхши муҳит яратади.

27 апрел куни Ўзбекистон элчихонасида Россия пойтахти жамоатчилиги эътиборига бир вақтнинг ўзида учта янги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Бу ерда тўпланган россиялик таниқли олимлар ва маданият ходимлари, сиёсий ва жамоат арбоблари ҳукмига республика ҳужжатли фильмлар студияси томонидан суратга олинган «Ислом Каримов, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли илмий-публицистик сериалнинг якунловчи «Баркамол авлод орзуси» фильми (мазкур лойиҳанинг дастлабки тўртта картинаси ўз вақтида Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси томонидан тақдим этилиб, улар Россиянинг ТВ-6 телеканали орқали кўрсатилган эди) ва шу йил баҳорда Россия давлат телеканалининг «Культура» ижодий гуруҳи томонидан тасвирга олинган «Улуғбек юлдузи остида» ҳамда «Бухоро сюитаси» картиналари ҳавола этилди.

Бир ярим соат давом этган намойишдан сўнг залда аниқ бир картина доирасидан-да кенгроқ мавзуларда суҳбатлар бошланиб кетди. Ушбу суҳбатлар Ўзбекистонда содир бўлаётган тараққиёт, модернизация ҳамда мавжуд анъаналар ва маданиятга нисбатан ҳурмат билан ҳамоҳанг бўлган жараёнларга россияликларнинг катта қизиқишидан далолат берди.

— Мен ўзбек кинематографчилари яратган фильм орқали мамлакат бюджетининг 38 фоизи маориф соҳасига ажратилишини эшитиб, ҳайратда қолдим, — дейди академик, Россия фанлар академиясининг сиёсатшунослик фанлари бўйича илмий кенгаши раиси, таниқли сиёсатшунос Фёдор Бурлацкий. — Мен Президент Ислом Каримовнинг буларнинг барчаси ўзини оқлайди ва Ўзбекистоннинг шунга мос келажагини таъминлайди, деган фикрига тўла қўшиламан. Шунингдек, унинг замонлар боғланиши тўғрисидаги, миллий анъаналар, маданиятга суянган ҳолда ва айни пайтда келажакка, замонавий дунёга қараш лозимлиги ҳақидаги гаплари менда жуда катта таассурот қолдирган.

— Таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатда олиб борилаётган ишлар ва режалар таҳсинга лойиқдир, — дея таъкидлайди машҳур хонанда, халқ артисти Ирина Архипова. — Тўғри таълим олган авлод давлатни ёруғликка, келажакка олиб чиқади. Ўзбекистон Президенти сиёсатининг ўта донолиги ҳам ана шундадир. Бу мен учун бегона мамлакат эмас, бу жойда суронли уруш йилларидаги ҳаётимнинг бир қисми ўтган. Шу боис фильмда кўрганларим мени икки карра қувонтирди.

Кечада шоира Римма Казакова, Россия халқ артистлари Людмила Хитяева ва Евгений Стеблов, Россия Фанлар академиясининг шарқшунослик институти профессори Юрий Ганковский, Қирғизистон халқ артисти Натальья Аринбасарова, таниқли фотожурналист Галина Кмит ва бошқа томошабинларнинг кўплаб ҳаяжонли ва қалбдан айтилган сўзлари янгради.

Газетанинг ушбу сони чиққунга қадар қайд этилган фильмларнинг Россиядаги томошабинлари янада ортди: 29 ва 30 апрел кунлари ТВ-6 ва «Культура» телеканалларида мазкур фильмлар премьераси бўлиб ўтди.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
**«Жаҳон» АА.**

# Тошга муҳрланган хотира





Боғот тумани марказида «Хотира» майдони бунёд этилмоқда. Зиёратгоҳнинг кираверишида арк, фаввора бўлади. Аввал ўрнатилган «Она ва бешик» ҳайкали атрофидан эса ҳаётнинг давомийлиги рамзи сифатида ариқчалардан сув оқиб ўтади.

Урушда қурбон бўлган боғотликларнинг номлари мармар тошларга мангуга муҳрланади. Зиёратгоҳ яқин кунларда очилиши кўзда тутиляпти.

***СУРАТЛАРДА:* *«Хотира майдони» қурилишидан лавҳалар, мармар усталари Отадурди ва Худоёр Ханиевлар.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**

# Огоҳлик — осойишталик гарови

Тинчлик-хотиржамлик, осуда меҳнат — халқимизнинг энг катта бойлиги. Унинг мустаҳкамланиши учун жуда кўп омиллар қаторида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликка қарши кураш ишлари мавсумий бўлиб қолмаслиги лозим. Наманган вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижроси юзасидан ўтказилган йиғилиш иштирокчилари ана шундай фикрни олға сурдилар.

Йиғилишда маъруза қилган вилоят ҳокими Т. Жабборов ва музокарада сўзга чиққанлар ҳар икки ҳужжат ижроси бўйича амалга оширилаётган тадбирлар билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш масалаларига ҳам атрофлича тўхталдилар. Поп, Янгиқўрғон, Норин, Косонсой туманларида бу вазифани бажаришда изчиллик етишмаётгани танқид қилинди. Диний ташкилотлар фаолиятида юзакичилик ҳукмрон. Баъзи корхона ва ташкилотлар айрим ҳолларда ҳушёр ва огоҳ бўлиш ўрнига тоғолди ҳудудларидаги дам олиш масканлари ва оромгоҳларини қаровсиз қолдириб, номаълум кишилар жойлашиб олишига шароит яратиб қўйишмоқда.

Фаоллар йиғилиши пировардида ҳар бир меҳнат жамоаси, шаҳар, қишлоқ, маҳаллада ижтимоий соғлом вазият ҳукм суриши халқимиз осойишталигининг гарови эканлиги ва бу масалага барча фуқаролар бирдай масъул бўлишлари лозим, деган хулосага келинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Нуқтаи назар*

**Республикамизда ислоҳот ва янгиланишлар жараёнлари барчамизга маълум бўлган устувор йўналишлар асосида амалга оширилмоқда. Улардан бири аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишдир.**

**Айтиш мумкинки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида», 1996 йили 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ана шу йўлда ташланган эзгу ва муҳим қадам бўлди. Гап шундаки, бугунги кунда кам таъминланган оилаларга қишлоқ фуқаролар йиғинлари томонидан берилаётган моддий ёрдам ҳамда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга маҳалла кенгашлари томонидан тайинланаётган нафақалар уларнинг иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришда ҳал қилувчи омил бўлаётир.**

# Томорқали деҳқон ишсизми?

Маълумки, кам таъминланган оила даромади ва мулкий аҳволини ҳисобга олишда тегишли йўриқноманинг 18-моддасида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тўлаш тартиби бўйича услубий кўрсатманинг 20-моддасида оила умумий даромадига шахсий томорқа даромади ҳам қўшилиши кўрсатилган. Лекин, таажжубланарлиси шундаки, йўриқномада «10 сотих ердан олинадиган даромад 1 ойдаги энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган даромадни, республиканинг баъзи туманларида ундан ҳам кўпроқни ташкил этиши мумкин», деб айтилган. Услубий кўрсатманинг 20-моддасида эса агар тақдим этилган аризада шахсий томорқадан олинадиган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар камайтириб берилса ёки бу даромад умуман кўрсатилмаса «ҳар бир 10 сотих ер майдонидан олинадиган даромадларни энг кам иш ҳақининг ўртача миқдорининг икки барвари миқдорида олмоқ зарур», деб таъкидланган. Шу асосда, масалан, Пайариқ туманидаги Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хоса маҳалласида оиласида 5 нафар 16 ёшгача болалари бўлган Исмоил Бойжигитовнинг шахсий томорқасидан (13 сотих) йиллик даромади 5306 сўм қилиб белгиланган. Умуман, ушбу маҳаллада 16 ёшга тўлмаган болаларига нафақа олувчи барча оилалар шахсий томорқасидан келадиган йиллик даромад 5300-5500 сўм атрофида кўрсатилган.

Шу тўғрими? Услубий кўрсатма бўйича «ҳа, тўғри» дейсиз, албатта. Лекин биз Хоса қишлоғидаги хўжаликлар шахсий томорқалари аҳволи билан танишганимизда, мавжуд вазият «дело»даги ҳужжатларга мутлақо тўғри келмаслигини сездик.

Гап шундаки, Хоса қишлоғида, умуман, Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчилар — соҳибкор-деҳқонлар. Ҳар бир хонадоннинг шахсий томорқасида 70 тупдан 150 тупгача ток бор. Бултур ёзда кимдир томорқасидан 400 килограмм, кимдир 1400 килограмм майиз тайёрлаб олганлигини айтади. Демак, ҳар бир томорқа эгаси, агар унинг килоси 300 сўмдан сотилса, ўртача 120 минг сўмдан 500минг сўмгача, 200 сўмдан сотилганда эса 80 минг сўмдан 280 минг сўмгача йиллик даромад олиши маълум бўлади.

Тўғри, ушбу ҳисоб-китобни қишлоқдаги барча хонадонларга бирдек татбиқ этиб бўлмайди. Кимдир энди токзор барпо этган, кимнингдир ҳалигача умуман шахсий томорқаси йўқ. Буларни аниқлаш, жой-жойига қўйиш — маҳалла мутасаддиларининг иши.

Лекин, барибир, томорқа даромади сифатида услубий қўлланма қоидалари асосида аниқланган 5300 сўм билан, айтайлик аниқ даромад ҳисобланган 80 минг сўмни беэътибор таҳлил қилиб бўладими? Ахир, шахсий томорқа қишлоқ аҳолисининг асосий кун кўриш манбаи эканлигидан кўз юма оламизми?

Йўқ, биз бу мулоҳазаларимиз билан ёрдам учун берилаётган маблағни аслида шунга муҳтож оилалардан қизғанмаяпмиз. Лекин адолат бўлсин — ёрдамни ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож оилалар олсин. Фикримизча, катта-катта экинзорларга эга хонадонларга моддий ёрдам кўрсатиш беихтиёр боқимандаликка олиб келади. Шахсий томорқа даромадининг услубий қўлланмада айтилган тартибда аниқланиши икки томонлама зарарлидир. Биринчидан, бу усулда яна тайёрга айёрлик кайфияти ўзини намоён қилади, иккинчидан, қишлоқда «митти паҳлавон» ҳисобланган шахсий томорқанинг турмушимиздаги роли пасаяди. Қолаверса, шахсий томорқа иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг муҳим омили эканлигини тушуниш пайти етиб келди-ку?!

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Моддий ёрдам ёки 16 ёшга тўлмаган болаларига нафақа пули олаётган айрим оилалар соҳиблари ишсиз деб белгиланади. Ахир, уларнинг ихтиёрида 13-16 сотихдан томорқаси бўлса-ю, у қандай қилиб ишсиз бўлсин? Деҳқон хўжалиги ҳақидаги қонунга риоя қилишимиз керак-ку, ахир?!

Шу нуқтаи назардан қаралганда, юқорида номлари тилга олинган йўриқнома ва услубий кўрсатмадаги шахсий томорқа даромадларини белгилаш усулларини ўзгартириш керак, деб ўйлаймиз. Назаримизда, шунингдек, шахсий томорқани олишга олиб, уни ишлатмай ташлаб қўйганларга тегишли чоралар кўришнинг фурсати ҳам келганга ўхшайди.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетасининг бош муҳаррири,**
**Сулаймон ҲУСАИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

**Ўзбек курашининг илдизлари бир неча минг йилларга бориб тақалади. Ўзбек кураши — XXI аср спорти. Ўзбек кураши ёш танламайди. Ўзбек кураши яқин йилларда Осиё ўйинлари, Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олади.**




# Кураш тушиб алпомишлар улғайган

Куни кеча пойтахтимиздаги муҳташам "Юнусобод" спорт мажмуида ниҳоясига етган тарихий биринчи Осиё чемпионатига ташриф буюрган хорижий меҳмонлар, спорт оламининг машҳур кишилари ўзбек кураши ҳақида ана шундай илиқ фикрларни айтишди. Осиё кураш конфедерацияси президенти Жагдеш Татлер, Халқаро олимпия қўмитаси аъзоси Хошими Табадан бундай эътирофларни эшитиш ҳар биримизга ғурур бағишлаши табиий.

Мусобақаларнинг биринчи куни 73, 81 ва 90 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар гиламга тушишди. 73 кило тош босадиган спортчилар баҳсида мўғилистонлик паҳлавон Дамдинг Сулдбаярга тенг келадигани топилмади. У ҳал қилувчи беллашувда Қувонч Нурмуҳамедов (Туркманистон)нинг курагини ерга теккизди.

Шундан сўнг ҳамюртимиз Фарҳод Тўраевнинг (81 кг) зафарли онлари бошланди. Барча рақибларини мағлуб этган Фарҳодга финалда эронлик полвон Реза Сезегар рўбарў келди. Кучли рақиб билан баҳсга киришган паҳлавонимизни минглаб мухлислар тинимсиз қўллаб-қувватлаб туришди. Ана шу олқишлардан руҳланган Фарҳод биринчи Осиё чемпионатининг олтин медалини бўйнига тақди.

90 килограмм вазн тоифасида беллашган спортчилар орасида Алишер Боқиев (Тожикистон) ишқибозлар олқишига сазовор бўлди. Зеро, унинг рақиблари анойи эмасди. Биргина финал иштирокчиси Алиреза Саней (Эрон)ни олинг. Санейни мутахассислар кучли спортчи сифатида яхши билишади. Бироқ Алишер машҳур полвонга ҳеч қандай имконият қолдирмай, олтин медал эгаси бўлди.

Кураш тушиб, алпомишлар улғайган. Ўзбекнинг барчинойлари бел боғлаб майдонга чиқди. Дастлаб 63 килограмм вазн тоифасида қитъа чемпионлиги учун баҳслашган полвон қизлар бел олишди. Барчинойларнинг финал баҳсида ҳамюртимиз Юлдуз Шагибекова ва Олесея Назаренко (Туркманистон) рўбарў келишди. Юлдузнинг кичик хатосидан фойдаланган туркманистонлик спортчи шоҳсупанинг биринчи поғонасини банд қилди.

Энг ҳаяжонли дақиқалар. Даврада мутлоқ вазн тоифасидаги паҳлавонлар чемпионатнинг олтин медалига эга бўлиш, ўз Ватанининг мадҳиясини янгратиш иштиёқида беллашарди. Бундай бахт таниқли полвон Шуҳрат Хўжаевга насиб этди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради. Ҳамманинг қўли кўксида. Минглаб нигоҳлар баланд кўтарилаётган байроғимизга қаратилган.

Кекса полвонлар, мўйсафид отахонлар дуога қўл очишди: Олимпиада ўйинлари даврида ҳам ўзбек курашининг ана шундай байрамларини ўтказиш насиб этсин!



**О.РАЖАБОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

*Футбол: жаҳон чемпионати — 2002*



# Ўзбекистон пешқадам ... ҳозирча

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон | 3 | 2 | 1 | 0 | 10-2 | 7 |
| Туркманистон | 3 | 2 | 0 | 1 | 7-2 | 6 |
| Иордания | 3 | 1 | 1 | 1 | 4-4 | 4 |
| Хитой Тайпейи | 3 | 0 | 0 | 3 | 0-14 | 0 |

***Ўтган ҳафта ишқибозлар ҳақиқий футбол байрамининг гувоҳи бўлишди. Муросасиз учрашувларни соғиниб қолган мухлислар 2002 йилги жаҳон чемпионати Осиё қитъаси 7-саралаш гуруҳидаги биринчи давра баҳсларини катта қизиқиш билан кузатиб бордилар.***

Мусобақа жадвалида кўриб турганингиздек, ҳозирча Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаб турибди. Бироқ бу Туркманистоннинг ҳам, Иорданиянинг ҳам гуруҳ ғолиблиги учун имкониятлари камлигини англатмайди. Иккинчи давра баҳсларининг Амманда (3-5-7 май) бўлиб ўтишини ҳисобга олсак, асосий рақибимиз айнан Иордания эканлиги табиий. Ушбу мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Бранко Ражовичнинг таъкидига кўра, кейинги босқич йўлланмаси Иордания-Ўзбекистон учрашувида ҳал этилади. Кимнинг қўли баланд келса, гуруҳда биринчи ўринни эгаллайди. Бунинг учун ҳар икки терма жамоа олдинги ўйинларни ғалаба билан якунлаши керак. Қизиғи шундаки, ана шундай вазият юзага келганда, Ўзбекистон терма жамоасини дуранг ҳам қониқтиради.

Аммо иорданияликлар билан уларнинг майдонида дуранг ўйнаш ҳам осон кечмайди. «Пахтакор» марказий стадионида — 50 мингдан ошиқ мухлисларнинг тинимсиз қўллаб-қувватлашида ўтган Ўзбекистон — Иордания учрашувида йигитларимизнинг базўр ҳисобни тенглаштиргани (2:2) шундан далолат беради.

Биринчи таймда рақиб кучини тўғри баҳоламаслик, ҳушёрлик йўқотилгани, нотўғри тактика танлангани боис, дарвозамиз тўрига кетма-кет иккита тўп бориб тушди. Шундан сўнггина В.Сальков сергак тортди. М.Қосимов ўйин суръатини ўзгартиришни ўз қўлига олди. В.Маминов кўмагида қайсидир маънода бунга эришди ҳам. Фикримча, бош мураббий бир нарсада янглишди: араб футболининг баъзи «инжиқ»ликларини тўғри баҳолай олмади. Ахир улар ниятига етиш учун қоидадан ташқари «қилиқ»ларни ишга солишларини ҳамма билади-ку!? Ҳали Амманда бу найрангларнинг янги кўринишларининг гувоҳи бўлсак ажаб эмас. Демак, футболчиларимиз ана шундай вазиятларга ҳам шай туришлари керак.

Шунингдек, охирги ўйинда Хитой Тайпейи ҳудудий жамоасини 5:0 ҳисобида мағлуб этган туркманистонликлар ҳам гуруҳ ғолиблиги учун курашаётганини унутмаслик лозим.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Калом илмининг дарғаларидан бири

Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида «Имом Мўъийн» зиёратгоҳи бор. Вилоят ҳокимлиги, республика Фанлар академиясида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан ана шу аллома ҳаёти ва ижоди меросига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда алломанинг «Баҳр ал-калом» («Калом илмида денгиз») асари ҳақида ҳам сўз борди. Замондошлари бу зот ҳақида: «Шарқу ғарбнинг олиму уламолар, Абул Мўъийн ан-Насавий илмининг денгизидан баҳра топиб, ул таратгон зиё нурларини кўзларига тутиё қилиб суртгонлар» деб таъриф берганлар.

**Н.РАВШАНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# Кутубхона — «Интернет» тармоғида

Фарғона вилоятида яна бир нотижорат ташкилот — вилоят кутубхоналар ассоциацияси фаолият кўрсата бошлади. Янги ташкилот қошидаги ҳуқуқий-ахборот маркази эса дастлабки мижозларни қабул қилди.

Энг муҳими, янги ахборот ўчоғи энг сўнгги нусхадаги компьютер техникалари билан таъминланиб, «Интернет» тармоғига уланди.

**Ўз мухбиримиз.**


Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари, фирмалар ва хусусий тадбиркорлар диққатига !

**РЕСПУБЛИКА ТЕНДЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШҚАРМАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ**

*«ЎзЭксайд» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонасининг объектлари ва муҲандислик иншоотлари қурилиши» объекти бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОСИ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

***Буюртмачи: «ЎзЭксайд» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси.***

Пудратчи ташкилотлар зарурий профессионал ва техник малакага, молиявий имкониятларга, ишчи ресурсларга, шартнома тузиш учун фуқаролик ва юридик ҳуқуққа эга ҳамда тажрибали ва ишончли бўлишлари керак. Чет эл инвестициялари ҳисобига қурилган объектларда иш тажрибасига эга бўлган пудратчи ташкилотлар имтиёзга эга бўладилар.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Республика тендерларни ташкил этиш бошқармаси Жиззах вилоят филиалига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан ***2001 йил 25 майгача*** соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари лозим:

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй (вилоят кенгашлар уйи), 303 ва 305-хоналар. Тел./факс: 6-14-66, 6-05-42.**

*Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг нархи 15000 сўм.*

**Оферталар юқоридаги манзил бўйича 2001 йил 1 июнгача қабул қилинади ва тендер комиссияси томонидан 2001 йил 1 июнда қуйидаги манзил бўйича кўриб чиқилади:**

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, кичик мажлислар зали.**

4146



ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Республика вазирлик ва идоралари, корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

**2001 ЙИЛ 1-5 МАЙ КУНЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш, қурилиш материаллари саноати, транспорт ва алоқа мажмуига кирувчи идоралар импорт ўрнини босадиган ва тармоқлар корхоналарида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган буюм ва маҳсулотларнинг



ИХТИСОСЛАШГАН КЎРГАЗМАСИНИ

ўтказади. Шунингдек, кўргазмага ишлаб чиқарилиши таклиф қилинаётган эҳтиёт қисмлар ҳам қўйилади.

Кўргазма Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида бўлиб ўтади.



Манзил: 700060, Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўчаси, 30.

Кўргазма 9.00дан 17.00гача ишлайди.

Тел.: 59-62-19, 136-49-42, 136-46-64, факс 133-41-87.

4123



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯГОНА ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ ТАСАРРУФИДАГИ

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

АГАР СИЗ

- келажакда радио, телевидение, электрон станциялар, телефакс, ЭҲМ тармоқлари, радиотелефон тармоқлари бўйича етук мутахассис бўлишни;
- чуқурлаштирилган дастурлар асосида математика, физика, информатика фанларидан билим олишни;
- малакали мутахассисларнинг раҳбарлигида замонавий таълим тизими ва технологияси воситасида таълим олишни;
- истаган техник олий ўқув юртларига киришни;
- республикамизнинг равнақи учун ва XXI асрда ривожланган давлатлар қаторига кириш учун хизмат қилишни истасангиз

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ !

Лицейга республикамиз мактабларининг 9-синфини битирган истеъдодли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Вилоятлардан қабул қилинган ўқувчилар ётоқхона ва 3 маҳал бепул овқат билан таъминланадилар.

ТАНЛОВ 1 АВГУСТДАН 10 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

***Кириш учун керакли ҳужжатлар:***

- *лицей раҳбари номига ариза;*
- *9-синфни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома;*
- *086 шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *6 дона 3х4 см. ўлчамли фотосурат;*
- *туғилганлиги ҳақида гувоҳнома;*
- *яшаш жойидан маълумотнома.*

*Ҳужжатлар 1 июндан 31 июлгача қабул қилинади.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Жаҳон Обидова кўчаси, 7-«А» уй.

Телефонлар: 35-03-69, 35-08-85.

4122





ПЛАТИНУМ КОМПАНИ

PLATINUM COMPANY

АСРЛАРГА ЧИДАМЛИ

**АЛЮМИНИЙЛИ ВА ПЛАСТИКЛИ ЭШИК ДЕРАЗА ВИТРАЖЛАР**

ЭНГ арзон нархлар, ЭНГ юксак сифат!

ТИК ЖАЛЮЗИЛАР. ЧИВИН ЎТКАЗМАЙДИГАН ТЎРЛАР.

Тел.: 180-82-72, 65-82-62; факс: 34-28-05

Манзил: Тошкент ш., Ш. Бурхонов к.,22. (Мўлжал: Луначарский маркази бозори).

4024



Тошкент шаҳар А.Икромов тумани ҳокимининг 1995 йил 25 январдаги N 60 сонли қарори билан рўйхатдан ўтган «Муборак-она» жамоа корхонаси мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтиши муносабати билан пайчилардан мулкий улуш бўйича даъволарни 1 ой ичида қабул қилади.

Тошкент шаҳар А.Икромов туманида рўйхатдан ўтган «Муборак она» жамоа корхонасининг йўқолган бурчак муҳри бекор қилинади.


Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши Фарғона вилоятидаги бош вакили

**Умаржон ҳожи ТУРДИЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради. Аллоҳ ул зотни ўз раҳматига олган бўлсин.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:** Аббосхон УСМОНОВ



**Таҳрир ҳайъати:**

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.



**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*



**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2315, 26639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.



• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.



Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.50*
1 2 3 4 5 6